


МАҲАЛЛАМНИ ЯШИЛ МАКОНГА АЙЛАНТИРИШГА ЎЗ ҲИССАМНИ ҚЎШАМАН



Баҳор кириб келишига бир неча кун қолган бўлсада, юртимизда аллақачон баҳорий илиқлик ҳукумрон. Бу фасилда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари янада қизғин тус олади.

Экилган ҳар бир кўчат замирида бозорларимиз тўкинчилиги, қурилиш материаллари саноати, ерни эрозиядан сақлаш, ўзимиз нафас олаётган кислородни ишлаб чиқариши муҳим аҳамиятга эга. Бугун сектор раҳбарлари

бошчилигида нуроний отахонлар ҳам дарахт кўчатларини экишдек савобли юмушга бош қўшишди.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.